

Холиков Азамат Қаҳрамонович,
 Қашқадарё вилоят 18-сонли кўриш бўйича
 имконияти чекланган болалар учун
 ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси
 ҳуқуқ фани ўқитувчиси, педагогика фанлари
 бўйича фалсафа доктори

ҚЎРИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БИТИРУВЧИ ЁШЛАРНИ ҲАЁТГА ЙЎНАЛТИРИШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

УДК: 371.921

ХОЛИКОВ А.Қ. ҚЎРИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БИТИРУВЧИ ЁШЛАРНИ ҲАЁТГА ЙЎНАЛТИРИШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Ушбу мақолада таълим муассасаларининг кўришида нуқсони бўлган битирувчи ёшларни ҳаётга йўналтиришдаги устувор вазифалари тўғрисида бўлиб кўришида нуқсони бўлган битирувчи ёшларни ҳаётда ижтимоий мослашувини амалга оширишда интернат-мактабларининг роли ниҳоятда юқори ўрин эгаллайди. Бунинг учун давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш, истиқбол режаларини биргаликда ечиш, ҳар бир битирувчи ўқувчи учун қулай иш-шароитларини яратиш масалалари кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: кўришида нуқсони бўлган битирувчи ёшлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, интернат-мактаб, битирувчи ёшлар, касб-хунар, дифференциялашган, таълим-тарбия, касбий компетентлик даражаси.

ХОЛИКОВ А.К. ПРИОРИТЕТНЫЕ ЗАДАЧИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ ПО ЖИЗНЕННОЙ ОРИЕНТАЦИИ МОЛОДЫХ ВЫПУСКНИКОВ С НАРУШЕНИЯМИ ЗРЕНИЯ

В статье рассматриваются приоритетные задачи образовательных учреждений по жизненной ориентации слабовидящих выпускников, роль интернатов в реализации социальной адаптации слабовидящих выпускников к жизни. Для этого обозначены вопросы налаживания сотрудничества между государственными и неправительственными организациями, совместного решения будущих планов, создания благоприятных условий труда для каждого выпускника.

Ключевые слова и понятия: слабовидящие выпускники, государственные и негосударственные организации, школы-интернаты, выпускники, профессия, дифференцированный, образовательный, уровень профессиональной компетентности.

KHOLIKOV A.K. PRIORITIES IN THE ORIENTATION OF YOUNG GRADUATES WITH VISUAL IMPAIRMENTS IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS

In the article is discussed the priorities of educational institutions for the vital orientation of visually impaired graduates, the role of boarding schools in the implementation of social adaptation of visually impaired graduates in life. For this purpose, the issues of establishing cooperation between government and non-governmental organizations, joint solution of future plans, the creation of favorable working conditions for each graduate student are considered.

Key words and concepts: visually impaired graduates, governmental and non-governmental organizations, boarding school, graduates, occupation, differentiated, educational, level of professional competence.

Кириш.

Мамлакатимизда таълимга бўлган эътибор охирги йилларга келиб тубдан ўзгарди. Бу борада, мактаб таълимини ривожлантириш масаласи сўнги йилларда давлат сиёсати даражасида кўтарилиб бормоқда.

Мактаб – шахсни камол топишида асосий маънавий кўприк вазифасини бажаради. Инсон мактабда ўзлигини, ўзининг руҳий ҳолатини, ақлий салоҳиятини баҳолаш даражасига етади. Бу борада, ҳар бир таълим муассасаси ўз олдига пировард мақсадларни қўя билиши, таълим оловчиларга қулай шароитларни яратиши, ўқувчиларнинг келажаги билан қизиқмоғи лозим бўлади. Таълим муассасаларини тамомлаган ҳар бир ёш ҳаётда мустақил ўз ўрнини топмас экан, ушбу таълим муассасалари ўз олдида турган вазифаларни масъулиятли бажармаган деб айта оламиз. Шундай экан, ҳар бир ўқувчининг жамиятда муваффақиятга эришиши ўзининг мактабдан олган билим, кўникма ва малакаларига боғлиқ эканлигини ҳеч биримиз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ҳар бир таълим муассасаси ўзининг истиқболли режаларини ишлаб чиқиши, келгусида қилиниши лозим бўлган пировард мақсадларни бажарилишини ўзининг функционал фаолиятига айлантироғи шартdir. Жаҳоннинг ривожланган давлатларидағи таълим муассасаларининг рейтинги юқори бўлиб, у ердаги таълим муассасаларида ўқувчига нисбатан "шахс сифатида" қараш психологияси шаклланганлигини ўзимизнинг кузатувларимиздан ва илмий изланишларимиздан аниқладик.

Республикамиздаги барча умумтаълим мактаблари ҳам жаҳоннинг ўқитишига оид энг илфор ва самарали технологияларини афзалликларини ўз фаолиятларига босқичма босқич тадбиқ этмоқлари даркор деб ўйлаймиз. Агарда бу ишларни яқин фурсатларда бажара олмасак биз ривожланишдан орқада қолаверамиз. Бунинг учун ҳар бир педагог дунёда кечеётган инновацион ўзгаришларни тўлиқ таҳлил қила олиш тафаккурига эга бўлиши замонавий билимларни пухта эгаллаши, мантиқий фикрлайдиган юксак дидли шахсга айланмоғи керак. Бу ишларни амалга ошириш учун ўқитувчидан ўзига хос иқтидор, интилиш ва ўзига нисбатан талабчанлик талаб этилади. Бизнингча умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчининг ҳаётида унутилмас ва асосий билим, кўникма ва малакаларни ривожланти-

риши, уларни мустақил ҳаётга тўғри йўналтириши ва ҳаётда муносиб ўрин топишида амалий кўмак бўлмоғи даркор деб ўйлаймиз.

Охирги йилларга келиб, юртимизда таълим муассасаларининг мавқеини ошириш, уларга қулай шароитларни яратиш масаласи давлат сиёсати даражасида кўтарилиб келмоқда. Бу эътиборни ва ўзгаришларни ҳар бир таълим муассасаси жамоаси ўз ишига масъулият билан ёндашини бугунги даврнинг ўзи ҳамма-ҳаммамиздан тақозо этмоқда. Биринчи навбатда таълим муассасаларида меҳнат қилаётган педагоглар ўзининг касбий маҳоратини мунтазам равишда ошириб бормоғи, замонавий билимларни эгалламоғи ҳамда жаҳоннинг етук лидер ўқитувчилари билан коммуникатив алоқада бўлмоғи зарур деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотнинг мақсади.

Таълим муассасаларининг кўришида нуқсони бўлган битирувчи ёшларни ҳаётга йўналтиришдаги устувор вазифаларини амалга оширишда жисмоний имконияти чекланган ёшларни мустақил ҳаётга мослашувида соғлом ёшлар билан интеграцион бирлашувида, касб ҳунар эгаллашларида қўллаб қувватлашдан иборат. Энг муҳими ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини шаклланишида таълим оловчи ва педагог ўртасидаги ўзаро самимий мулоқотни яхшилаш ҳар бир битирувчи ногиронлиги бўлган ёшларни жамиятда ўз ўрнини топишлирга амалий жиҳатдан кўмаклашишдан иборат.

Тадқиқотнинг усули ва объекти:

Кўриш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг функционал фаолиятинини умумлаштириш, таҳлил қилиш, таққослаш ва илмий қарашлар ва концепцияларнинг қиёсий таҳлили, холислик тамойиллари каби усууллардан фойдаланилган.

Тадқиқот объектини кўришида нуқсони бўлган битирувчи ёшларни мустақил ҳаётга йўналтиришда ихтисослаштирилган таълим муассасалар фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.

Охирги йилларга келиб ногиронлиги бўлган шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сезиларли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ" 2021, 4 (101)

бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-күвватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5270-сонли¹ фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги "Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4860-сонли қарори² ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги³ ЎРҚ-641-сон қонуннинг ва шунга ўхшаш бошқа норматив меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши соҳа тизимиға имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуларини ҳимоя қилинишига юридик жиҳатдан кафолатланди десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги "Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги 256-сонли қарори⁴ қабул қилиниб, ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълим муассасаларининг ҳуқуқий асоси кўрсатиб берилди. Ушбу таълим муассасаларида, болалардаги нуқсонларни коррекциялаш ҳамда уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларга таълим бериш масаласи қарорда кўрсатиб ўтилди. Жумладан, кўришида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари педагоглари тифлопедагогика йўналиши бўйича қайта тайёрлашдан ўтиши, ўзининг касбий маҳоратини доимий равишда ошириши ва ҳар бир таълим олувчининг интелект ривожланишига қараб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-күвватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5270-сонли фармони. - <https://lex.uz/docs/3436192>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги "Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4860-сонли қарори. - <https://lex.uz/ru/docs/5044711>

³ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги ЎРҚ-641-сон қонуни. - <https://lex.uz/docs/5049511>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги "Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги 256-сонли қарори. - <https://www.lex.uz/docs/1866997>

билим олиши алоҳида кўрсатиб қўйилди. Биз сўз юритаётган, кўришида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг бугунги кундаги ҳолати, истиқболли режалари хусусида ўзимизнинг изланишларимизни баён этмоқчимиз.

Ўзбекистонда 2021 йил 1 январь ҳолатига қараганда кўриш бўйича болалар учун ихтисослаштирилган интернат-мактабларнинг умумий сони 14 та бўлиб, унда уч мингга яқин ўқувчи таҳсил олмоқда⁵. Ҳукуматимиз томонидан ушбу болаларнинг таълим олиши учун қулай шартшароитлар, маҳсус ўқув адабиётлари босқичмабосқич етказиб берилмоқда. Жумладан, 2019 йил декабрь ойидаги "Меҳр кўзи" бир лойиҳаси асосида кўришида нуқсони бўлган болалар учун маҳсус брайл ёзувидағи ўнлаб ўқув дарсликлари, бадиий китоблар, турли хил мусиқа асбоблари, ҳамда спорт анжомлари муваффақиятли етказиб берилди. "Меҳр кўзи" иккинчи хайрия тадбири 2020 йил январь ойида амалга оширилди.

Охирги йилларга келиб, интернат-мактабларнинг моддий аҳволи ўқув базаси кундан кунга ривожланиб бормоқда. Бу эътибор давлатимизнинг шу тоифа ўқувчиларни яхши билим олишига, ўзининг иқтидорини намоён этишига қаратилган десак, муболаға бўлмайди. Ҳар бир таълим муассасасининг ўз олдида белгиланган қўйидаги истиқболли режалари бўлиши лозим.

Биринчидан – кўришида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасасининг яқин йилларга мўлжалланган ривожланиш харитасини яратиш.

Иккинчидан – ўқувчиларга қулай бўлган касб-хунарлар ўқитилиш тизимини ишлаб чиқиш.

Учинчидан - коррекцион фанларни мукаммал ўқитиш орқали ўқувчиларни ижтимоий мослашувини тўғри ташкил этиш.

Тўртинчидан – шу тоифа ўқувчиларга мос бўлган касб-хунарларни танлаш ва уларни ўқитилиш дастурини яратиш.

Бешинчидан – ҳар бир ўқувчининг мустақил ҳаётга ижтимоий мослашувини касб-хунарлар юзасидан йўналтириш.

Олтинчидан – интернат-мактабларнинг умумтаълим мактаблар ўртасидаги интеграциялашган таълим муҳитини яратишга қаратиш.

⁵ Холиков А.Қ. "Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларда ҳуқуқий тафаккурни ривожлантириш технологияси" тадқиқот иши. Тошкент 2020 йил. Б-56

Еттинчидан - инклюзив таълимни айрим фанлар кесимида умумтаълим мактаблар билан биргалиқда ҳамкорлиқда йўлга қўйиш.

Россиялик тифлопедагоглар Ермаков В.П., Якунин Г.А. ўзларининг тадқиқотларида имконияти чекланган болалар ўқиётган таълим муасасалари фаолияти ҳақида қўйидаги фикрларни келтириб ўтадилар. "Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўрганиш жараённида одатдаги бола ривожланишининг энг муҳим нақшларини ушбу болаларда кузатиш мумкинлиги аниқланди. Бунга қўйидагилар киради: психиканинг ривожланиш босқичларининг маълум бир кетма-кетлиги; ақлий функцияларни ривожланишида сезгир даврларнинг мавжудлиги; ақлий жараёнларнинг ривожланиш кетма-кетлиги; фаолиятнинг ақлий ривожланишидаги ўрни, нутқ-юқори ақлий жараёнларни шакллантиришда; ақлий ривожланиша таълимнинг етакчи ўрни (Л.С.Виготский, В.И.Любовский)"¹.

Мактабда ўқувчиларни кўп босқичли психологияк ва педагогик қўллаб-қувватлаш тизими яратилган. Бу болаларнинг сифатли таълим олиши, ўзини ўзи максимал даражада англаши ва муваффақиятли ижтимоий мослашишга тайёрланниши учун ижтимоий-психологик ва педагогик шароитларни яратишга қаратилган мутахассисларнинг яхлит, ушган ва тизимли фаолиятидир².

Кўришида нуқсони бўлган ва заиф кўрувчи болалар учун махсус умумтаълим мактаб-интернатлари ўқувчиларнинг таълим ва тарбиясини амалга оширади. Кўришида нуқсони бўлганлар учун ташкил қилинган мактаблар махсус таълим тизимининг асосий қисми ҳисобланади ва бу тизим болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг алоҳида таълим заруриятидан келиб чиқади ва шу тамойиллар асосида ишлади³.

Кўришида нуқсони бўлган болалар мактабларида ўқитиш ва тарбиялаш ўзининг махсус тамой-

¹ Ермаков В.П., Якунин Г.А. Развитие, обучение и воспитание детей с нарушениями зрения. – М.: Просвещение, 2000. С. 54 <http://www.studfiles.ru/preview/1635293/> (Мақолада келтирилган матн ўзбек тилига мақола муаллифи томонидан бажарилган)

² Петрова Г.Г., Беседина И.А., Носонова Е.Ю. Опыт обучения и социализации слепых и слабовидящих детей (в том числе, с комплексными нарушениями развития). - <https://cyberleninka.ru/article/n/opryt-obucheniya-i-sotsializatsii-slepyih-i-slabovidchih-detey-v-tom-chisle-s-kompleksnymi-narusheniyami-razvitiya/viewer>

³ Холиков А.Қ. "Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларда ҳуқуқий тафаккурни ривожланириш технологияси" тадқиқот иши. Тошкент 2020 йил. Б-56

илларига ва вазифаларига эга, бу вазифалар яхши ривожланмаган ва бузилган функцияларни қайта тиклаш, коррекция ва компенсация қилишга мўлжалланган бўлиб, болаларни гуруҳларга дифференциялашга мўлжалланган. Кўришида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг асосий қоидаларини асослаб берар экан, тифлопедагогика шахсни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлашга, кўришида нуқсони бўлганликни компенсациялашнинг табиий-илмий асосларини ривожланишида, турли нуқсонларга дучор бўлган болаларда биологик ва социал манбаларнинг бирлиги тўғрисидаги компенсацияга асосланади. Л.С.Виготскийнинг таъкидлашича, бу бирлик жуда мураккабдир. Алоҳида психик функцияларга нисбатан ҳам болаларнинг ёшига қараб босқичма-босқич ривожланишга қараб ҳам дифференциялашган ва ўзгарувчан бирлиkdir⁴.

Россиялик педагог-психолог Ю.М.Магина «Мактаб-интернатда кўзи ожиз болаларни касбга йўналтириш ишларининг хусусиятлари» тўғрисидаги ўз мақоласида қўйидаги фикрларни келтириб ўтади: "Саломатлик имкониятлари чекланган болаларнинг ижтимоий ва меҳнатга мослашуви муаммоси замонавий жамиятнинг энг долзарб ва кескин муаммоларидан биридир. Айни пайтда ижобий тенденция пайдо бўлди ва унга кўра саломатлик имкониятлари чекланган одамни фаол ҳаётдан четлатиш учун сабаб бўлиши мумкин эмас. Ногиронларни жамият билан бирлаштириш, уларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда хоҳлаган жойда яшаш, ўқиши, ишлаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш йўллари изланмоқда. Ҳамма одамлар маълум даражада у ёки бу қобилиятларга эга. Фарзандларимиз ҳам бундан мустасно эмас"⁵.

Бундан ташқари, кўришида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муасасалар педагогларининг касбий компетентлик даражасини ошириш масаласи устувор бўлиб бормоқда. Жумладан, таълим тизимида ушбу болалар учун қулай бўлган ўқитиш технология-

⁴ Пўлатова П.М., Нурмуҳамедова Л., Якубжонова Д., Мамаражабова З., Мирсаидова Ш., Султонова Д. Махсус педагогика. – Тошкент: "Фан ва технология", 2014. Б-303.

⁵ Консультация «Особенности профориентационной работы со слепыми и слабовидящими детьми в школе-интернате». Подготовила педагог-психолог Магина Ю.М. - <https://www.maam.ru/detskijsad/-osobennosti-proforientacionoi-raboty-so-slepymi-i-slabovidjaschimi-detmi-v-shkole-internate.html> (Мақолада келтирилган матн ўзбек тилига мақола муаллифи томонидан бажарилган)

ларини босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилиши таълим сифатини ўзгаришига ёрдам беради. Кўришида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг бошқа давлатлардаги таълим жараёнларини энг илғор янгиликларини ўрганиш, ҳамкорлик қилиш ҳамда ўзаро тажрибаларни масофали ташкил этиш зарурати келди десак, муболаға бўлмайди.

Кўришида нуқсони бўлган битирувчи ёшларни ҳаётда ижтимоий мослашувини амалга оширишда интернат-мактабларининг роли ниҳоятда юқори ўрин эгаллайди. Бунинг учун давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш, истиқбол режаларини биргаликда ечиш, ҳар бир битирувчи ўқувчи учун қулай иш-шароитларини яратиш масаласи ҳар доим муаммо бўлиб қолмоқда. Шундай экан, юқоридаги муаммоларни тизимли аниқ бир дастур асосида бартараф этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Қачонки, ногиронлиги бўлган ёшларни ҳаётга ижтимоий мослашувини таъминлай олсак, уларга қулай иш ўринларини яратা олсак ҳамда соғлом шахслар билан ўзаро ижтимоий тенденцияни ўрната олсак, ижобий ишларни қилган бўламиз. Бунинг учун таълим дастурларини ҳаёт билан ўйғун боғлаш, ҳар бир фаолиятни натижавий мақсадларга йўналтириш, ҳар бир ўқувчини алоҳида ўрганиш орқали бу муаммоларни ўзаро ҳамкорлик орқали бартараф этиш мумкин деб ўйлаймиз. Бизнингча таълим муассасалари истиқболда қўйидаги тавсиялар асосида ўз фаолиятларини амалга оширсалар мақсадли бўлади.

1. Ҳар бир таълим олувчининг таълим муассасасига қабул қилинишидан токим битириб кетгунга қадар ижтимоий мослашувини тўғри ташкил этиш;

2. Имконияти чекланган болалар учун мўлжалланган ижтимоий мослашувга оид ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш ва реал ҳаёт билан қайта боғлаш;

3. Таълим муассасасининг интеграцион таълим билан ўйғун фаолият олиб бориши ўқувчи ҳаётига кира олиши ва уларни ҳақиқий ҳаётга йўналтира олиш вазифасига эга бўлиш.

4. Кўриш бўйича имконияти чекланган битирувчи ёшларга керакли асосий касбларни эгаллашларида таълим муассасаларининг ишчанлик қобилиятини ошириш орқали улар учун қулай бўлган касб ҳунарларни ўргатиш.

Холоса ва таклифлар.

Сўзимизни якунлар эканмиз, ҳозирги кундаги кечеётган ислоҳотларда ҳар биримиздан фуқаролик масъулиятини ошириш вақти келди десак, хато бўлмайди. Олдимизда турган энг муҳим вазифаларни кетма-кетликда босқичма-босқич амалга оширсан, шак-шубҳасиз, олдимизда турган ечилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этамиз. Бунинг учун ҳар бир педагогдан тинимсиз меҳнат, ўз устида ишлаш, ҳар бир ўқувчи учун қайғуриш фазилатларини юксалтироғимиз лозимдир. Ҳар бир таълим муассасасини истиқболли режа асосида бошқарсан, аниқ мақсадларни қўя олсан, шак-шубҳасиз, пировард мақсадимизга эришамиз. Яна бир жиҳати, - таълим муассасаларининг директор ва уларнинг ўринбосарлари ҳам ўқув тарбиявий ҳамда методик ишларни тизимли амалга оширса, мактаблар фаолияти янада яхшиланиши мумкин. Бунинг учун муассаса раҳбари ўзининг шахсий жавобгарлигини ҳамда иш услубини доимий равища тақомиллаштириб бормоғи, энг муҳими, жамиятда кечеётган ўзгаришлардан хабардор бўлмоғи керак деб ўйлаймиз.

Юқоридаги келтириб ўтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда қўйидаги якуний ҳуласаларни ҳавола этамиз.

Биринчидан имконияти чекланган таълим муассасаларининг битирувчи ёшлар билан ишлаш тизимини янада тақомиллаштириш орқали уларни мустақил ҳаётга йўналтиришимизни ҳеч биримиз унутмаслигимиз шарт.

Иккинчидан имконияти чекланган битирувчи ёшлар учун қулай бўлган касб ҳунарларни ўқитиш ва улар учун қулай иш шароитларини яратилишида таълим муассасаларининг ташаббускорлик, лидерлик қобилияtlарини юзага чиқариш.

Учинчидан имконияти чекланган ёшлар учун касб ҳунар ўрганишга мўлжалланган синфдан ташқари тўғракларнинг мақсадли ишлашига ва самарали натижиларни қўлга киритилишига ҳаракат қилиш.

Тўртинчидан ҳар бир ногиронлиги бўлган битирувчи ёшнинг мустақил ҳаётда эгаллаган касб ҳунари орқали ишга жойлашишида давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини ва масъулиятини оширишдан иборатdir.

Адабиётлар рўйхати:

1. Пўлатова П.М., Нурмухамедова Л., Якубжонова Д., Мамаражабова З., Мирсаидова Ш., Султонова Д. Махсус педагогика. – Тошкент: "Фан ва технология", 2014. Б-303.
2. Холиков А.Қ. "Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларда ҳуқуқий тафаккурни ривожлантириш технологияси" тадқиқот иши. Тошкент-2020 йил 19 август Б-56.
3. Консультация «Особенности профи ориентационной работы со слепыми и слабовидящими детьми в школе-интернате». Подготовила педагог-психолог Магина Ю.М.
- [https://www.maam.ru/detskijsad/-osobenosti-proforientacionoi-raboty-so-slepumi-i-slabovidjaschimi-detmi-v-shkole-internate.html](https://www.maam.ru/detskijsad/-osobenosti-proforientacionoi-raboty-so-slepymi-i-slabovidjaschimi-detmi-v-shkole-internate.html)
4. www.Lex.uz
5. Ермаков В.П., Якунин Г.А. Развитие, обучение и воспитание детей с нарушениями зрения. – М.: Просвещение, 2000. С-54 <http://www.studfiles.ru/preview/1635293/>
6. Петрова Г.Г., Беседина И.А., Носонова Е.Ю. Опыт обучения и социализации слепых и слабовидящих детей (в том числе, с комплексными нарушениями развития). - <https://cyberleninka.ru/article/n/optyt-obucheniya-i-sotsializatsii-slepyh-i-slabovidschih-detey-v-tom-chisle-s-kompleksnymi-narusheniyami-razvitiya/viewer>